



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№5 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-5>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Artikov Dilmurod Raxmatillayevich	
MA’MURIY SUD ISHLARINI YURITISH PRINSIPLARINING YURIDIK TAVSIFI.....	5
2. Sayfullaeva Venera Nimatjonovna	
AXBOROT XAVFSIZLIGI SOHASIDA SUN’IY INTELLEKT HUQUQIY KONSEPSIYASINING SHAKLLANISHI.....	14
3. Бойтураев Дилшод Маматкарим угли	
ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ РЕОРГАНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ В УСЛОВИЯХ РЕФОРМИРОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	26
4. Hazratqulov Zahridin Sobirjanovich	
KREDIT SEKTORIDA QONUN BUZILISHLARI HOLATLARIGA QARSHI KURASHNI MUVOFIQLASHTIRISHDA PROKURATURA ORGANLARI FAOLIYATINING NAZARIY-HUQUQIY VA AMALIY JIHATLARI.....	40
5. Khamidov Nurmukhammad Orif ugli, Najimova Jamola Davron qizi	
ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND THE FUTURE OF CRIMINAL LIABILITY: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS.....	50
6. Hojiyev Nosirjon Komilovich	
GIYOHVANDLIK VOSITALARINI, ULARNING ANALOGLARINI YOKI PSIXOTROP MODDALARNI ISTE’MOL QILISHGA JALB ETGANLIK UCHUN JAVOBGARLIK: XORIJIY TAJRIBA.....	59
7. Qo’chqarov Jaloliddin Nurilla o’g’li	
MEHNATNI MUHOFAZA QILISH QOIDALARINI BUZISH UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNING KELIB CHIQISHI HAMDA UNING AHAMIYATI.....	67
8. Утаев Хусниддин Хуррамович	
РАҚАМЛИ МУҲИТДА ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИ ЖИНОИЙ ҲУҚУҚИЙ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	74
9. Нодиров Музаффар Ахмадович, Хайдарова Шохида Ахрор кизи	
ОЦЕНИВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОКУРОРОВ.....	81
10. Ummatov Muhammadrasul Tursunovich	
KOMPYUTER AXBOROTIDAN QONUNGA XILOF RAVISHDA FOYDALANISH JINOYATLARINI TERGOV QILISHDA YUZAGA KELADIGAN MUAMMOLAR.....	93
11. Хамдамова Фируза Уразалиевна	
ПРАВО РЕБЁНКА НА ДОСТУП К ИНФОРМАЦИИ И ЗАЩИТУ ОТ ВРЕДОНОСНОГО КОНТЕНТА.....	100
12. Султонов Абдулла Тоштемир ўғли	
ФИШИНГ ВА ОНЛАЙН ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108



12.00.15-КРИМИНОЛОГИЯ (ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ)

Султонов Абдулла Тоштемир ўгли,
Ургут тумани прокурори ўринбосари,
E-mail: sultonovabdulla18021192@gmail.com

ФИШИНГ ВА ОНЛАЙН ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Sultonov Abdulla Toshtemir ugli. ISSUES OF IMPROVING NATIONAL LEGISLATION IN THE FIELD OF COMBATING PHISHING AND ONLINE FRAUD. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 5.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22235261>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фишинг ва онлайн фирибгарликнинг замонавий ҳуқуқий табиати, уларнинг кибержиноятчилик тизимида тутган ўрни ҳамда миллий қонунчиликда ушбу қилмишларни тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган. Илмий-ҳуқуқий манбалар ва хорижий олимлар қарашлари асосида фишингнинг юқори латентлиги, трансчегаравий хусусияти ва рақамли муҳитдаги тез мослашувчанлиги ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят ва маъмурий қонунчилигида мавжуд бўшлиқлар аниқланиб, электрон далиллар институтини такомиллаштириш, фишинг ва онлайн фирибгарлик учун алоҳида жиноят таркибини жорий этиш ҳамда маъмурий профилактика чораларини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Мақолада рақамли молиявий воситалардан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишнинг комплекс ҳуқуқий механизми асослаб берилган.

Калит сўзлар: фишинг, онлайн фирибгарлик, кибержиноятчилик, электрон далиллар, ахборот хавфсизлиги, жиноят қонунчилиги, маъмурий жавобгарлик, рақамли технологиялар, банк карталари, крипто-ҳамён, трансчегаравий жиноятлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, профилактика чоралари.

Султонов Абдулла Тоштемир угли,
Заместитель прокурора Ургутского района,
E-mail: sultonovabdulla18021192@gmail.com

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ФИШИНГУ И ОНЛАЙН-МОШЕННИЧЕСТВУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются современная правовая природа фишинга и онлайн-мошенничества, их место в системе киберпреступности, а также проблемы правового регулирования данных деяний в национальном законодательстве. На основе научно-правовых

источников и взглядов зарубежных исследователей раскрываются высокая латентность фишинга, его трансграничный характер и быстрая адаптация в цифровой среде. Также выявлены пробелы в уголовном и административном законодательстве Республики Узбекистан и разработаны предложения по совершенствованию института электронных доказательств, введению самостоятельного состава преступления за фишинг и онлайн-мошенничество, а также усилению административных профилактических мер. Обоснован комплексный правовой механизм противодействия незаконному использованию цифровых финансовых инструментов.

Ключевые слова: фишинг, онлайн-мошенничество, киберпреступность, электронные доказательства, информационная безопасность, уголовное законодательство, административная ответственность, цифровые технологии, банковские карты, криптокошелек, трансграничные преступления, правоприменительная практика, профилактические меры.

Sultonov Abdulla Toshtemir ugli,

Deputy Prosecutor of Urgut District,

E-mail: sultonovabdulla18021192@gmail.com

ISSUES OF IMPROVING NATIONAL LEGISLATION IN THE FIELD OF COMBATING PHISHING AND ONLINE FRAUD

ANNOTATION

This article analyzes the modern legal nature of phishing and online fraud, their role within the system of cybercrime, as well as the issues of legal regulation of these acts in national legislation. Based on legal literature and the views of foreign scholars, the study highlights the high latency of phishing, its cross-border nature, and its rapid adaptability in the digital environment. The paper also identifies gaps in the criminal and administrative legislation of the Republic of Uzbekistan and develops proposals for improving the institution of electronic evidence, introducing a separate criminal offense for phishing and online fraud, and strengthening administrative preventive measures. A comprehensive legal mechanism for combating the illegal use of digital financial instruments is substantiated.

Keywords: phishing, online fraud, cybercrime, electronic evidence, information security, criminal law, administrative liability, digital technologies, bank cards, crypto wallet, cross-border crimes, law enforcement practice, preventive measures.

Замонавий ҳуқуқий доктринада фишинг ва онлайн фирибгарлик ахборот-коммуникация технологиялари ривожига билан узвий боғлиқ бўлган, анъанавий жиноят таркибларини трансформация қилувчи янги авлод жиноятлари сифатида баҳоланади. Шу боис, мазкур қилмишларга нисбатан классик жиноят-ҳуқуқий ёндашувлар етарли эмаслиги қўплаб олимлар томонидан таъкидланмоқда.

Рус ҳуқуқшуноси В.С. Овчинский кибержиноятчиликни таҳлил қилар экан, интернет орқали содир этиладиган фирибгарликнинг асосий хавфи унинг юқори латентлиги ва тез мослашувчанлигидан иборат эканини қайд этади. Олимнинг фикрича, бундай қилмишларни умумий фирибгарлик таркиби доирасида квалификация қилиш уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтиради ва жазонинг профилактик таъсирини сусайтиради[1].

Шунингдек, Т.Редникова ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятлар алоҳида жиноят таркиблари сифатида белгиланмаган тақдирда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хил ёндашувлар вужудга келиши ва суд амалиётида бир хиллик таъминланмаслигини таъкидлайди[2]. Унинг фикрича, фишингни мустақил жиноят сифатида жиноят қонунчилигига киритиш ҳуқуқий аниқлик ва прогноз қилинадиган жазо сиёсатида хизмат қилади[3].

Франциялик тадқиқотчи Жеан Прадел жиноят-процессуал ҳуқуқда рақамли далилларнинг ўрнини таҳлил қилиб, электрон ахборот классик моддий далиллардан фаркли ҳуқуқий режимга эга эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, электрон далиллар осон ўзгартирилиши ёки йўқ қилиниши

мумкин бўлган ахборот бўлгани учун уларни йиғиш ва сақлаш махсус процессуал кафолатлар билан таъминланиши шарт[4].

Италиялик олим Г.Иллуминати эса трансегаравий кибержиноятларни тергов қилишда миллий жиноят-процессуал нормаларнинг чекланган имкониятларига эътибор қаратади. Олим халқаро ҳуқуқий ёрдам механизмларини соддалаштириш ва электрон далилларга нисбатан тезкор процессуал қарорлар қабул қилиш имконини берувчи институтларни жорий этиш зарурлигини асослайди[5].

Фишинг ва онлайн фирибгарлик жиноятларини тергов қилиш жараёнида энг катта қийинчиликлардан бири электрон далиллар билан ишлаш масаласи ҳисобланади. Илмий манбаларда қайд этилишича, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик электрон далилларни аниқлаш, олиб қўйиш, сақлаш ва баҳолаш бўйича аниқ ва тизимли механизмларни етарли даражада назарда тутмайди[6].

Г.А. Абдумажидов электрон далилларнинг ҳуқуқий мақоми ноаниқ эканини таъкидлаб, бу ҳолат суд-тергов амалиётида далилларнинг йўққа чиқарилишига ёки процессуал ҳатоларга олиб келаётганини кўрсатади[7]. Шу боис, олимлар жиноят-процессуал қонунчиликда электрон далил тушунчасини мустақил тартибда белгилаш ва уни процессуал далиллар тизимига киритиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Кибержиноятчилик профилактикаси масаласида немис ҳуқуқшуноси Томас Веигенд жиноят жазосидан кўра олдини олиш чоралари самаралироқ эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, ахборот тизимлари эгалари, банклар ва электрон тўлов хизматлари провайдерларининг хавфсизлик стандартларига риоя қилмаслиги фишинг жиноятларининг оммавийлашувига олиб келади[8]. Шу нуқтаи назардан, олим маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш орқали хўжалик юритувчи субъектларни ахборот хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилишга мажбур этиш мумкинлигини илгари суради. Бу ёндашув фишинг жиноятларини камайитишда самарали профилактик механизм сифатида баҳоланади.

Америкалик тадқиқотчи В.Бреннер кибержиноятчиликка қарши курашишда парчаланган тартибга солиш самара бермаслигини таъкидлаб, комплекс ҳуқуқий сиёсат зарурлигини асослайди. Олимнинг фикрича, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилик ўзаро уйғунлаштирилмаган тақдирда, кибержиноятларга қарши кураш тизими самарасиз бўлиб қолади[9].

Ушбу доктринал ёндашувлар шуни кўрсатадики, фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашишда фақат жазони кучайтириш етарли эмас. Қонунчилик тизимини комплекс равишда такомиллаштириш, электрон далиллар институтини ривожлантириш ва маъмурий профилактика чораларини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида фишинг ва онлайн фирибгарлик учун мустақил жиноят таркиби белгиланмаган. Амалда бундай қилмишлар, қоида тариқасида, фирибгарлик, ўғирлик ёки ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар таркиби доирасида квалификация қилинмоқда. Бироқ мазкур ёндашув фишингнинг ўзига хос ҳуқуқий табиатини тўлиқ ифодаламайди.

Фишинг жиноятининг асосий хусусияти шундаки, у jisмоний ёки мулкий таъсир орқали эмас, балки жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиш, уни адаштириш ва рақамли воситалар орқали шахсий маълумотларни қўлга киритиш йўли билан содир этилади. Шу боис, уни анъанавий фирибгарлик жинояти доирасида баҳолаш жиноятнинг ахборот хавфсизлигига қарши йўналтирилганлигини инобатга олмайди.

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида:

- фишинг қилмишларининг квалификациясида турли хил ёндашувлар вужудга келмоқда;
- жиноят таркибини исботлашда қийинчиликлар пайдо бўлмоқда;
- жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос жазо тайинланмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Олий суд Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб этиш қобилятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, руҳий жиҳатдан ақли норасолар, алкоғолдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкани ўғирлаш ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак”[10]. Субъектив томондан фирибгарлик тўғри қасддан ғараз мақсадда содир этилади, ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқий ёндашув фишинг ва онлайн фирибгарлик ҳолатларига нисбатан ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки фишинг жиноятларида жабрланувчи ташқи жиҳатдан фаол ҳаракатни амалга оширган бўлсада (масалан, логин, парол, банк картаси реквизитларини киритиши), у ўз ҳаракатларининг ҳақиқий ҳуқуқий ва иқтисодий оқибатларини англаб етмайди. Демак, бундай ҳолатда жабрланувчининг “розилиги” ҳуқуқий маънода ҳақиқий ирода сифатида баҳоланмаслиги лозим.

Субъектив томондан фирибгарлик жинояти тўғри қасдда, ғаразли мақсадда содир этилади. Ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий белгиси ҳисобланиб, айбдор шахс бошиданок ўзганинг мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда эгаллашни мақсад қилади. Фишинг ва онлайн фирибгарлик ҳолатларида ҳам айбдор шахс жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиш орқали унинг мулкӣ манфаатларига зарар етказишни олдиндан режалаштиради. Бу эса мазкур қилмишларни тасодифий ёки эҳтиётсизлик натижаси эмас, балки аниқ режа ва мақсадга асосланган жиноят эканини кўрсатади[10].

Амалдаги жиноят қонунчилигида фишинг ва онлайн фирибгарлик алоҳида жиноят таркиби сифатида мустақил назарда тутилмагани ушбу соҳада муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатади. Мазкур қилмишлар кўпинча анъанавий фирибгарлик ёки ўғирлик нормалари доирасида квалификация қилиниб, уларнинг ахборот технологиялари орқали содир этилиш хусусияти етарли даражада инobatга олинмайди. Натижада жиноятнинг ижтимоӣ хавфлилик даражаси, жабрланувчилар сонининг кўплиги ҳамда етказилган зарар кўлами тўлиқ акс этмаслиги мумкин.

Шу муносабат билан, фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик учун алоҳида жиноят таркибини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув, бир томондан, жиноятни тўғри квалификация қилиш имконини берса, иккинчи томондан, жиноят профилактикаси ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фишинг ва онлайн фирибгарлик жиноятларининг юқори латентлиги, далилларнинг рақамли муҳитда жойлашганлиги ҳамда ушбу қилмишларнинг трансчегаравий хусусияти уларга қарши курашишда фақат жиноят-ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмасликни тақозо этади. Шу боис, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликни комплекс равишда такомиллаштириш зарурати вуҷудга келади.

Илмий адабиётларда фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашиш фақат жиноят-ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмаслиги лозимлиги алоҳида қайд этилади. Хусусан, Е.В. Петренко фишингга қарши самарали курашишда маъмурий-ҳуқуқий ва профилактик чораларнинг аҳамиятини юқори баҳолайди[12].

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, банклар, тўлов тизимлари ва рақамли платформалар учун ахборот хавфсизлиги талабларини маъмурий жавобгарлик чоралари билан мустаҳкамлаш фишинг ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда молиявий ташкилотларнинг мижозларни хабардор қилиш, хавфларни олдиндан аниқлаш ва антифрод тизимларини жорий этиш бўйича мажбуриятларини қонунчилик даражасида белгилаш тақлиф қилинади.

Хорижий илмий адабиётларда фишингга қарши курашиш масаласи комплекс ва тизимли ёндашувни талаб этувчи кўп қиррали ҳуқуқий-ташкилий муаммо сифатида талқин қилинади. Жумладан, А.В. Наумовнинг илмий қарашларига кўра, кибержиноятларга қарши самарали қарши курашиш фақатгина алоҳида жиноят-ҳуқуқий нормалар билан чекланиб қолмасдан, балки жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликнинг ўзаро уйғун ва мувофиқлаштирилган тарзда амал қилиши орқали таъминланади[13]. Бундай ёндашув ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, далилларни тўплаш ва баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини кучайтириш имконини беради.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотларда фишинг каби трансмиллий характерга эга кибержиноятларга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик институтининг ўрни алоҳида таъкидланади. Хусусан, давлатлар ўртасида ахборот алмашинувини тезкорлаштириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, қўшма тергов гуруҳларини ташкил этиш ҳамда трансчегаравий

рақамли далиллар билан ишлашнинг ягона стандартларини жорий этиш мазкур соҳада самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Демак, фишингга қарши курашишнинг илмий асосланган модели миллий қонунчилик тармоқлари ўртасидаги институционал уйғунликни таъминлаш билан бир қаторда, халқаро даражада координациялашган ва интеграциялашган ҳуқуқий механизмларни шакллантиришни ҳам талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашиш самарадорлиги фақат алоҳида жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилиكنинг ўзаро уйғун ва тизимли амал қилишини таъминлашга боғлиқдир. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, кибержиноятларнинг трансмиллий ва юқори латент хусусияти уларга қарши курашишда миллий механизмлар билан бир қаторда халқаро ҳамкорлик институтларини ҳам ривожлантиришни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, фишингга қарши курашишда ҳуқуқий сиёсатни комплекс равишда шакллантириш, электрон далиллар билан ишлашнинг аниқ процессуал механизмларини жорий этиш, шунингдек ахборот алмашинуви ва қўшма тергов фаолиятини кучайтириш устувор аҳамият касб этади. Айнан шу интеграциялашган ёндашув фишинг жиноятларининг олдини олиш, уларни самарали фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайди.

Фишинг ва онлайн фирибгарликнинг замонавий шакллари тобора мураккаблашиб бораётган бир шароитда миллий жиноят қонунчилигини рақамли муҳитда содир этилаётган жиноятларга мослаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси таҳлили шуни кўрсатадики, фишинг билан боғлиқ қилмишлар мустақил жиноят таркиби сифатида назарда тутилмаган бўлиб, улар асосан фирибгарлик, компьютер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш ёки электрон тўлов воситалари билан боғлиқ бошқа жиноятлар таркиби доирасида квалификация қилинмоқда. Бу эса мазкур қилмишларнинг ҳуқуқий табиатини тўлиқ акс эттирмасдан, тергов ва суд амалиётида турлича ёндашувларни келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Жиноят кодексини[11] **“Компьютер маълумотларини ноқонуний эгаллаш ёки фишинг”** деб номланган **168¹-модда** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур моддада компьютер, компьютер тизими, ахборот тармоғи ёки бошқа электрон қурилмаларда сақланаётган, омма учун мўлжалланмаган маълумотларни алдов, ижтимоий инженерия усуллари, сохта веб-ресурслар, электрон почта, мессенжерлар, SMS-хабарлар ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали қўлга киритиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим. Бундай ёндашув фишинг жиноятларини мустақил ҳуқуқий категория сифатида эътироф этиш имконини бериб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур таклиф халқаро тажриба билан ҳам уйғун ҳисобланади. Хусусан, Республика Арманистон Жиноят кодексининг 362-моддасида “Illegal Appropriation or Phishing of Computer Data” деб номланган алоҳида жиноят таркиби назарда тутилган бўлиб, компьютер маълумотларини фишинг орқали қўлга киритиш учун мустақил жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон қонунчилигига шунга ўхшаш норманинг киритилиши миллий ҳуқуқ тизимини кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро тенденцияларга яқинлаштиради. Шу билан бирга, электрон маълумотлар, банк карталари, электрон тўлов воситалари ва крипто-активларнинг ҳуқуқий муҳофазаси кучайтирилиб, фуқароларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш даражаси оширилади. Бундан ташқари, фишинг жиноятларини алоҳида статистик ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва профилактика қилиш имконияти яратилади.

Шунингдек, Кибержиноятчиликнинг яна бир кенг тарқалган кўриниши фуқароларнинг давлат ва молиявий хизматлардан фойдаланиш учун яратилган шахсий аккаунтлари ҳамда SIM-карталаридан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликда мазкур қилмишлар учун жавобгарликнинг етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шу сабабли **Жиноят кодексини 228³-модда** билан тўлдириб, масофадан давлат

ва молиявий хизматларни кўрсатишни таъминловчи ахборот тизимларидаги шахсий саҳифалар (аккаунтлар) ҳамда абонент қурилмасининг идентификация модулларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур норма фуқароларнинг шахсий кабинетлари, мобил иловалари, интернет-банкнинг тизимлари ва SIM-карталари орқали содир этилаётган жиноятларга ҳуқуқий баҳо беришда аниқликни таъминлайди. Шунингдек, шахсий маълумотлар ва рақамли идентификация воситаларининг ҳуқуқий муҳофазаси кучайтирилиб, улардан жиноий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш имконияти кенгайди. Натижада рақамли давлат хизматлари ва молиявий технологияларга нисбатан жамият ишончи мустаҳкамланади ҳамда ноқонуний пул ўтказмалари билан боғлиқ жиноий схемаларнинг тарқалиши чекланади.

Бундан ташқари, таҳлиллар шуни кўрсатадики, онлайн фирибгарлик ва кибержиноятчилик билан боғлиқ қўплаб ҳолатларда жиноятчилар ўз ҳаракатларини бошқа шахслар номига расмийлаштирилган банк карталари, ҳисобварақлар ва крипто-ҳамёнлар орқали амалга оширадilar. Амалиётда бундай шахслар “дроп карта” ёки “дроп аккаунт” эгалари сифатида танилган бўлиб, улар жиноий даромадларни легаллаштириш ва маблағларни яшириш занжирининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бироқ амалдаги миллий қонунчиликда мазкур ҳаракатлар учун мустақил жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Шу муносабат билан **Жиноят кодексини 177¹-модда** билан тўлдириб, шахс ўз номига расмийлаштирилган электрон тўлов воситаси, банк ҳисобварағи ёки крипто-ҳамённи бошқа шахсларга бериш, улардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш ёки бундай воситалар орқали ноқонуний пул ўтказмаларини амалга ошириш учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилади. Мазкур норма “дроп карта” ва “дроп аккаунт” феноменининг ҳуқуқий мазмунини аниқ белгилаб беришга хизмат қилади. Ушбу таклифнинг аҳамияти шундаки, электрон тўлов воситаларини жиноий мақсадларда бошқа шахсларга бериш, жиноий маблағларни айлантириш ва яшириш механизмларида иштирок этиш учун жавобгарликнинг аниқ белгиланиши профилактик таъсирни кучайтиради. Шу билан бирга, мазкур қилмишларни мустақил квалификация қилиш имконияти тергов ва суд амалиётида ягона ҳуқуқий ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади. Натижада молиявий хавфсизликни таъминлаш, онлайн фирибгарлик ва кибержиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилади.

Мазкур таклифнинг ўзига хос жиҳати шундаки, АҚШ, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Беларусь қонунчилигида компьютер ахбороти, электрон тўлов воситалари ёки банк маълумотларидан ноқонуний фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса-да, “дроп карта” ва “дроп аккаунт” муносабатларини мустақил жиноят таркиби сифатида аниқ белгилаш амалиёти кенг тарқалмаган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон қонунчилигига таклиф этилаётган мазкур норма кибержиноятчиликнинг замонавий кўринишларига қарши курашиш соҳасида илғор ҳуқуқий механизм сифатида баҳоланиши мумкин.

Фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири жиноятни содир этиш усули ва воситаларининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда жазони индивидуаллаштириш механизмларини такомиллаштириш ҳисобланади. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида жиноятчилик ҳам янги шаклларга эга бўлиб, интернет тармоқлари, ижтимоий платформалар, мессенжерлар ва бошқа телекоммуникация воситалари орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда. Бундай жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар қисқа вақт ичида чекланмаган доирадаги шахсларга таъсир кўрсатиши, катта ҳудудни қамраб олиши ҳамда жиноятчининг шахсини аниқлашни қийинлаштириши билан ажралиб туради.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати белгиланган бўлса-да, жиноятни оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан

фойдаланган ҳолда содир этиш мустақил оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилмаган. Ваҳоланки, айниқса фишинг, онлайн фирибгарлик, шахсий маълумотларни қўлга киритиш, зарарли дастурлар тарқатиш ва бошқа кибержиноятлар айнан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан **Жиноят кодекси 56-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги янги “п” банди** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: “оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш”. Мазкур норманинг киритилиши ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфлилигини ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этиш имконини беради.

Ушбу ўзгартишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, у судларга жазо тайинлашда жиноятни содир этиш усулини алоҳида инobatга олиш имконини яратади. Натижада ахборот технологиялари орқали содир этилган қилмишларга нисбатан жазонинг адолатлилиги ва мутаносиблиги таъминланади. Шу билан бирга, мазкур норма интернет ва телекоммуникация тармоқларидан жиноий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларига нисбатан профилактик таъсирни кучайтириб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ёндашув халқаро ҳуқуқий тажрибага ҳам мос келади. Хусусан, Россия Федерацияси жиноят қонунчилиги ва суд амалиётида ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар юқори ижтимоий хавфлилика эга қилмиш сифатида баҳоланади. Беларусь Республикаси қонунчилигида компьютер ахбороти билан боғлиқ жиноятлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланган бўлиб, ахборот технологияларидан фойдаланиш жиноятнинг хавфлилик даражасини оширувчи омил сифатида эътироф этилади. Шунингдек, АҚШда Computer Fraud and Abuse Act (CFAA) доирасида компьютер тизимлари ва интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган қилмишлар учун қатъий ҳуқуқий чоралар назарда тутилган бўлиб, суд амалиётида мазкур ҳолат жиноятнинг оғирлигини баҳолашда муҳим мезон сифатида қўлланилади.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларнинг аксариятида ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар алоҳида ҳуқуқий тартибга солинади ёки жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасини мазкур норма билан тўлдириш миллий қонунчиликни рақамли давр талабларига мослаштириш, кибержиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш ҳамда халқаро ҳуқуқий стандартларга яқинлаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу ёндашув ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга интернет ва телекоммуникация тармоқлари орқали содир этилган жиноятларни алоҳида таҳлил қилиш, уларнинг динамикасини ўрганиш ва самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашишда жиноий-ҳуқуқий механизмлар билан бир қаторда маъмурий-ҳуқуқий профилактика чораларини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида шахс ўз номига расмийлаштирилган электрон тўлов воситасини, банк ҳисобварағини ёки крипто-ҳамённи бошқа шахсларга бериш, шунингдек уларни бошқариш имкониятини берувчи маълумотларни тақдим этиш учун алоҳида маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Натижада амалиётда кенг тарқалаётган “дроп карта” ва “дроп аккаунт” схемаларига ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг самарали профилактик механизми етарли даражада шаклланмаган.

Сўнгги йилларда кибержиноятчилик билан боғлиқ жиноятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фишинг, онлайн фирибгарлик, ноқонуний пул ўтказмалари ва жиноий даромадларни яшириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг катта қисми бошқа шахслар номига расмийлаштирилган банк карталари, ҳисобварақлари ва электрон ҳамёнлар орқали амалга оширилмоқда. Кўп ҳолларда мазкур шахслар жиноий ҳаракатларнинг бевосита иштирокчиси бўлмасада, ўз номидаги молиявий инструментларни бошқа шахсларга тақдим этиш орқали

жиноят содир этилиши учун шарт-шароит яратиб беради. Шу сабабли ҳуқуқбузарликнинг дастлабки босқичида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни**[11] **61³-модда** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Унда шахс ўз номига расмийлаштирилган электрон тўлов воситасини, банк ҳисобварағини ёки крипто-ҳамёнини ёхуд уларни бошқариш имкониятини берувчи маълумотларни белгиланган тартибни бузган ҳолда бошқа шахсга берганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда. Бундай ёндашув ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиноят таркибини ташкил этмаган ҳолларда профилактик таъсир чораси сифатида қўлланилиши мумкин.

Мазкур норманинг жорий этилиши, биринчи навбатда, электрон тўлов воситалари ва рақамли молиявий инструментлардан фойдаланиш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, шахсларни ўз банк картаси, ҳисобварағи ёки крипто-ҳамёнидан бошқа шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган ҳолатларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ундайди. Бу эса ўз навбатида фишинг, онлайн фирибгарлик ва ноқонуний пул айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш имкониятини қисқартиришга хизмат қилади.

Таклиф этилаётган маъмурий-ҳуқуқий механизмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у кейинчалик жиноий жавобгарликни қўллаш учун ҳуқуқий асос яратади. Яъни шахс маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам худди шундай ҳаракатларни такроран содир этган тақдирда, унинг қилмишини жиноят сифатида квалификация қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса маъмурий преюдиция институти орқали ҳуқуқбузарликларнинг оғирроқ шакллариغا қарши курашиш самарадорлигини оширади.

Мазкур таклифнинг илмий ва амалий асосланганлиги хорижий давлатлар тажрибаси билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, Жанубий Кореянинг “Электрон молиявий транзакциялар тўғрисида”ги қонунида банк карталари, ҳисобварақлар, пароллар ва улардан фойдаланиш имконини берувчи маълумотларни бошқа шахсларга бериш қатъий тақиқланган. Ушбу талабларни бузиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлиб, мазкур механизм мамлакатда “voice phishing” билан боғлиқ жиноятларни камайитиришда муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Шунингдек, Европа Иттифоқида пул ювишга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган директивалар доирасида банк ҳисобварақлари ва молиявий инструментлардан фойдаланиш устидан кучли назорат механизми шаклланган. Қатор давлатларда шахснинг ўз ҳисобварағини учинчи шахсларга тақдим этиши ёки ундан жиноий мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйиши ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда бундай ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида жиноий даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида ҳам баҳолалиши мумкин.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижалари ривожланган давлатларда электрон тўлов воситалари ва рақамли молиявий активлардан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишда профилактика чораларига алоҳида эътибор қаратилишини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мазкур норманинг киритилиши фишинг ва онлайн фирибгарликка қарши курашишнинг эрта профилактика босқичини кучайтириш, “дроп карта” ва “дроп аккаунт” амалиётини чеклаш ҳамда рақамли молиявий муносабатлар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Овчинский, В. С.. Киберпреступность: реальные угрозы и мнимые страхи. Москва: Норма. 2018 (Ovchinsky, V. S. Cybercrime: Real Threats and Imaginary Fears. Moscow: Norma. 2018);
2. Vladimirovna Rednikova T. Criminological Characteristics of Organized Environmental Crime in the Russian Federation //Internal Security. – 2018. – Т. 10. – С. 97-106 (Rednikova, T. V.

- Criminological Characteristics of Organized Environmental Crime in the Russian Federation // Internal Security. – 2018. – Vol. 10. – Pp. 97–106.);
3. Козлов А.А. Проблемы квалификации преступлений, совершаемых с использованием информационных технологий. Уголовное право, 4, 45–52 (Kozlov, A. A. Problems of Qualification of Crimes Committed Using Information Technologies // Criminal Law. – No. 4. – Pp. 45–52.);
4. Pradel J. Du principe de proportionnalité en droit pénal // Les Cahiers de droit. – 2019. – Т. 60. – №. 4. – С. 1129–1149;
5. Illuminati, G. Transnational cybercrime and criminal procedure: New challenges for national systems. European Journal of Crime, Criminal Law and Criminal Justice, 27(2), 123–140;
6. Кукарникова Т.Э. ЭЛЕКТРОННЫЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ // Воронежские криминалистические чтения. – 2019. – №. 21. – С. 150–157 (Kukarnikova, T. E. Electronic Evidence in Criminal Proceedings // Voronezh Criminalistic Readings. – 2019. – No. 21. – Pp. 150–157.);
7. <https://api.unilibrary.uz/storage/PublisherResourceFile/319258/images/1685016524.pdf>
8. Mamak K. Robotics, AI and criminal law: Crimes against robots. – Routledge, 2023;
9. Brenner S. W. Cybercrime: criminal threats from cyberspace. – Bloomsbury Publishing USA, 2010;
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991—2006, 1-жилд. — Т.: «О‘qituvchi» НМИУ, 2007. — 221-б. (Resolution No. 6 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated April 30, 1999 “On Judicial Practice in Cases of Misappropriation of Another Person’s Property through Theft, Robbery and Banditry” (with amendments and supplements introduced pursuant to Resolution No. 10 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated June 14, 2002) // Collection of Resolutions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. 1991–2006, Vol. 1. – Tashkent: O‘qituvchi Publishing House, 2007. – P. 221.);
11. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2026 й., 03/26/1138/0397-сон // <https://lex.uz/docs/111453> (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan, April 21, 2026, No. 03/26/1138/0397. Available at: <https://lex.uz/docs/111453>.);
12. Петренко Е. В. Проблемы квалификации сетевого мошенничества: фишинг // Вестник магистратуры. – 2016. – №. 5-4 (56). – С. 180–182 (Petrenko, E. V. Problems of Qualification of Online Fraud: Phishing // Bulletin of Magistracy. – 2016. – No. 5-4 (56). – Pp. 180–182.);
13. Наумов А. В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. 6-е издание. – "Издательство" Проспект", 2019 (Naumov, A. V. Russian Criminal Law. General Part. Course of Lectures. 6th Edition. – Prospekt Publishing House, 2019.);

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.